

ЛЕНИН ТИРИК, ЛЕНИН БАРҲАЁТ, ЛЕНИН ҲАМИША ЯШАЙВЕРАДИ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 79 (4326).

22

АПРЕЛЬ

ЧОРШАНБА

1970 йил,

Баҳос 3 тийин.

МАРКС ВА ЭНГЕЛЬС РЕВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТИНИНГ ДОҲИНА ДАВОМЧИСИ. КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ АССОСЧИСИ, ДУНДА БИРИНЧИ ЗАҒФАРЛИ ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ РАҲБАРИ, СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТНИНГ БУНЕДКОРИ, ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ЙўЛБОШЧИСИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР БУЙИ ЯШАЙВЕРСИН!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЯ ОЛДИ ҶАҒИРИҚЛАРИДАН.

КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети, РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси 1970 йил 21 апрель эрталаб соат 10 да Москвада, Кремлнинг Сьездлар саройида очилди.

Мажлисин КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Рамиси ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ кириш нутқи сўзлаб очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ «Ленин иши асрларда ва галаба қозонида» деган мавзуда доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари иштирок этмоқдалар. Мажлисда партия ветеранлари, Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашларининг намоёндалари, Совет Армияси ва флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, марказий давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари қатнашмоқдалар.

Қўшма тантанали мажлисда социалистик мамлакатларнинг партия, ҳукумат делегациялари, капиталистик ва ривожланмаган давлатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий демократик партиялар ҳамда ташкилотларнинг ва сўл социалистик партияларнинг, касба союз ва бошқа прогрессив халқаро ташкилотларнинг делегациялари ҳозир бўлдилар. Дипломатик корпус, совет ва чет эл матбуоти ходимлари ҳам ҳозир бўлишди.

Тантанасидан сўнг кечки мажлис давом этди.

Ленинграддаги Киров заводи турбиналар йиғувчиларининг бригадаси бошлиғи, РСФСР Олий Советининг депутаты, халқ оғлининг кенгашининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ К. В. ГОВОРУШИН нутқ сўзлади.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олган Пошша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Владислав ГОМУЛКА нутқ сўзлайди.

Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ Вальтер УЛЬБРИХТ нутқини тантанали мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олишди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ле ЗУАНГА сўз берилади. Тантанали мажлис қатнашчилари қаҳрамон ва мард Вьетнам халқи вақсинини қизғин таъбир қилди.

Мажлисда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Жан ДЮКЛО нутқ сўзлади. Мажлис ахли унқ қизғин кутиб олди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Чехословкия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Густав ГУСАК нутқини қизғин кутиб олишди.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олган Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Янош КАДАР нутқ сўзлайди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитети биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Рамиси ўртоқ Тодор ЖИВКОВ нутқини қизғин кутиб олишди.

Шу билан кечки мажлис тавом бўлди.

МОСКВА. 1970 йил 21 апрель. Кремлнинг Сьездлар саройи. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси. Суратда: минбарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев. [ТАСС—УТАГ].

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА—КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДАЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет халқи, социалистик мамлакатларнинг халқлари, халқаро ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини ўз кўнларининг жанговар кўнги сифатида нишонламоқдалар, улар ўз вазишларини белгилаб олмақдалар ва ўз фаолиятларининг истиқболларини мўлжалламоқдалар, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги жанговар бирлигини мустаҳкамламоқдалар.

Ленин Ватанимиз узра Улуғ Октябр социалистик революцияси байроғини кўтарган кўндан бери орада ярми асрдан кўпроқ вақт ўтди. Коммунистик партия раҳбарлигидек совет халқи бутун ана шу йиллар мобайнида Ленин йўлидан борди ва бормоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлис қатнашчилари улуғ Ленин байроғи остида эришган ҳамма муваффақиётлар учун зўр иштирок тўғулар билан 21 апрель кўни Кремлда тўпланди.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолига кандидатлари, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари иштирок этмоқдалар. Залда Москва шаҳри ва Москва области жамоатчилиги ва меҳнаткашларининг намоёндалари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, министрликлар, идоралар, марказий муасссаларнинг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ўтиришди.

Мажлисда социалистик мамлакатлар партия-ҳукумат делегациялари, капиталистик ва ривожланмаган давлатлар коммунистик ва ишчи партияларининг, миллий

демократик партиялар ҳамда ташкилотларнинг ва сўл социалистик партияларнинг, касба союз ва бошқа прогрессив халқаро ташкилотларнинг делегациялари ҳозир бўлишди.

Дипломатик корпус аъзолари, совет ва чет эл журналистлари ложага чики ўтиришди.

Эрталаб соат 10, Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, В. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шербицкий, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар Президиумда пайдо бўлганларидан мажлис ахли уларни ўнидан туриб узоқ давом этган тўғурос қарсақлар билан кутиб олади.

Улар билан бирга СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари, РСФСР Олий Советининг Рамиси ва унинг ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Рамиси, партия ветеранлари, партия ва давлат арбоблари, чет эл делегацияларининг раҳбарлари ҳам Президиумга чиқишди.

Тантанали мажлисини КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Рамиси Н. В. Подгорний кириш нутқи сўзлаб очди.

У бундай дейди:

Азиз ўртоқлар!

Мухтарам чет эллик меҳмонлар!

Сиз билан биз Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг юз йиллигини тантанали равишда

нишонламоқ учун шу залга буюк байрамга тўпландик.

Маркс билан Энгельс ишчининг геннал давомчиси, энг улуғ мутафаккир, революционер ва давлат арбоби бўлган Лениннинг номи жаҳон революцион ҳаракати, бутун дунё тарихи йилдомасига абадий ёзилиб қолди. Ленин ишчилар синфининг жанговар партияси, Октябр социалистик революциясининг, халқини қилаётган ҳамма қаҳрамонона ишларнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси бўлган Коммунистик партияни тузиб, воғда етказди. Ишчи ва деҳқонларнинг инсоният тарихида

биринчи социалистик давлати, халқларнинг қардошларча ҳамдўстлиги—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ленин раҳбарлигиде барпо этилди.

Совет халқининг бутун ҳаёти, ҳамма планлари ва ишлари Ленин номи билан боғланган. Мамлакатимизда Ленин раҳбарлигига бинчи Ленин партияси раҳбарлигиде социализм қурилди. Синов қўнлари Ленин қоллари халқимизни социалистик Ватан қимосига олтининг ташкилотчиси ва йўлбошчиси бўлган Ленин байроғи коммунизмга борадиган зағфарли йўлқимизни ёритиб турибди. Иқтисодий жиҳатдан бақувват, сийёсий жиҳатдан

яқинда, етилмас Советлар мамлақати келажакка қомил ишонч билан бормоқда, жаҳон революцион ҳаракатининг олдинги сафиде бормоқда.

Биз Ленин бизнинг дийрмикида туғилиб ўсганини билан, У Россиянинг улуғ фарзанди эканлигини билан, бизнинг мамлакатимизда Ленинизм Ватани бўлиб қолганини билан фарзланамиз. Шу билан бирга Ленин дунёдаги барча меҳнаткашларнинг қўлбошчиси бўлиб қолди; Ленинизм—гоят интернационал, жаҳоншумар тарихий таълимат эканлигини тарихий та-

рихнинг бориши жаҳон исботлаб бормоқда.

Пролетариятнинг капитализмга қарши, социализм ва коммунизм тантанаси учун олиб борадиган синфий жанглардаги қудратли қуроли бўлган марксизм назариясини ривожлантиришда Ленин бебаҳо қисса қўшди. Ленин миллион-миллион меҳнаткашлар ва маъмулларнинг асрий орзу-умидларини шу қадар чуқур, шу қадар башорат билан ғайдалаб бердики, натижада унинг таълимоти бутун меҳнаткаш инсоният курашининг—империализмга қарши,

жабр-зулм ва эксплуатацияга қарши, халқларнинг тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун, социал тарқоқибат учун адолатли ва олжаноқ курашининг байроғи бўлиб қолди.

Ленинизм ер кўрриси бўйлаб зағфарли оқим ташлаб бормоқда. Ер юзидеги ҳамма тилларда Ленин номи бенкоҳ меҳр-муҳаббат билан тилга олинмоқда. Социал ва миллий зулмининг ҳамма шаклларига қарши, дунёни революцион тўғула қилган Улғойларнинг учун қарий қилбётган қўллар халқаро бирдмелигини мустаҳкамлаш учун жулқон курашчи, улуғ интернационалист бўлган Ленин бутун прогрессив инсониятнинг йўлбошчиси.

Жаҳон социализм позицияларининг муттасия мустаҳкамланиб бораётганини, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг туркиреб ривож топаётганини, халқаро коммунистик ҳаракатнинг кенг қўлчан аъганлиги—ана шуларнинг ҳаммаси Улуғ Октябр бошлаб берган ҳозирги замоннинг қиёфаси ва ҳарактерини белгилаб бормоқда.

Шу босдан биз бугун шуни айтганимиз: ўзининг бутун тарихий ҳаёти давомида Владимир Ильич Ленин қилган ҳамма ишлари, у бошлаган ишнинг миллион-миллион давомчилари қилбётган ишлар—100 йилни қўзлаб эмас, балки асрларни ва минг йилларни қўзлаб қилганини ва қилганидан ишларди, ўртоқлар.

Шонли Ленин юбилеи меҳнат ахлининг умумжаҳон байрами бўлиб қолди. Қардош партиялар, барча прогрессив қўллар, инсоният бахт-саодати ва парлоқ келажак учун курашбётганларининг ҳаммаси Лениннинг юз йиллигини совет халқи билан бирга нишонламоқдалар. Шу босдан ҳам бугун, шу залда ер юзининг ҳамма қиъаларидаги революцион отрядларнинг намоёндалари биз билан бирга ўтиришди.



Суратда: тантанали мажлис залы.

[ТАСС—УТАГ]. (Суратлар фототеограф орқали олинди).

[Давоми б-бетде].

(Боши 2, 3, 4-бетларда)

Афсуски, социализм мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик жуда жиқидй равишда бўзилаётган ҳоллар ҳам бор. Бунини, масалан, Хитойнинг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларининг ҳозирги аҳолини кўрсатиб турибди. Мушаккаб равишлариди, бундай ҳолат хитой раҳбарлари ўқисиб кетмаган миллатчиликни исбатлаганидир самарасидир, улар Ленин васияти қилиб қолдирган принциплар билан алоқани узатишларининг натижасидир.

2. ЛЕНИНИЗМ—ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШНИНГ ЗАФАРЛИ БАЙРОҒИ

Ирсониятнинг икки марта жаҳон уруши гирдобига ташланган империализмни ҳозирги кунда ҳам агрессив урушлар, бошқа мамлакатлар ва бошқа халқларнинг ҳаётига беҳадлик билан аралашш, ирқчиларнинг ва мустамлакачиларнинг ваҳшийликлари каби жи-

Халқ оммасининг империализмга бераётган зарбаларни кучайниб бормоқда. Бу — шак-шубҳасиз, факт-дир. Аммо коммунистлар вазиятга сергаллик билан боқ берадилар. Вуркузия омманни, шу жумладан ишчилар сифийининг ҳам англагича қисмининг реакциян идеология ёки реформистик идеологияга таъсирда хануз сақлашга муваффақ бўлаётганлигини коммунистлар билдилар. Лекин ҳозирги тартибларга тонат қилолмаслик тушунчаси пролетариатнинг пешқадам қисми оқсидигача эмас, балки халқнинг бошқа табақаларига орасида ҳам ўсиб бормоқда.

Аммо қудратли халқ кучлари эндиликда империалистларнинг кирдикорларига қарши чиқмоқдалар. Араб халқлари ўзларининг ҳаққоний ишини актив ва сабот-матонат билан ҳимоя қилмоқдалар. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар, бутун жаҳондаги коммунистик ва демократик ҳаракат уларни

(Давомн оліннчн бєтлє)

(Боши 2, 3, 4, 5-бетларда).

P.12556